



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 207 (12.018)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда барча соҳалар қатори энгил саноат ҳам ривож топиб, бу борада янги-янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ана шундай лойиҳалар самараси бўлган халма-хил энгил саноат маҳсулотлари хориж давлатларидаги харидорларга ҳам етказиб берилиб, уларнинг талаби қондирилмоқда.

Албатта, ҳозирда энгил саноат қорхоналарида маҳаллий хом ашё — пахтадан қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларимиз — калава ип ва турфа сифатли матолар, дизайни ўзига хос тикучилик ва трикотаж товарлари ҳам импорт ўрини босиши, ҳам экспорт-боплиги билан ажралиб туради.

Ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлмасда, бозорда ўз ўрини топишга интилаётган, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган «UZTEX-Tashkent» йиғирув фабрикаси цехларига дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчи фирмаларининг илгор технологик линиялари ўрнатилганлиги тайёрланаётган маҳсулот сифати ортишида муҳим ҳисса бўлмоқда.

— Қорхонамизда юз фоиз пахта хом ашёсидан ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, — дейди қорхона директори Равшан Йўлдошев. — Ҳозирги кунда 120 нафар малакали мутахассис меҳнат қилаётган жамоамизда махсус курслар ташкил этилган бўлиб, ходимларимизни ўқитиш ҳамда малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бунинг самараси эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлиги ортишида яққол кўринмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қорхона бир йилда 6,5 минг тонна юқори сифатли ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ана шу

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА



мақсадни амалга ошириш учун цехларга турли усулларда ип йиғирга оладиган 31,5 мингдан ортиқ урчүк ўрнатилган.

«UZTEX-Tashkent» бугунги кунда жаҳондаги энг яхши йиғирув фабрикалари қаторидан ўрин олганини таъкидлаш керакки, қорхона фаолияти Швейцариянинг «Uster Technologies» компанияси томонидан юқори баҳоланди ва ишлаб чиқаришнинг илк босқичидан то маҳсулот тайёр бўлгунга қадар унинг

аъло сифатини тасдиқловчи ягона «USTERIZED» сертификатини кўлга киритди.

Қорхонанинг рақобатбардosh маҳсулотлари фақатгина ички бозорда харидорғир бўлибгина қолмай, балки йил сайин экспорт ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Шу боис жамоа аҳлининг иқтисодий-тимиз ривожидagi ҳиссаси ҳам ўзига хосдир.

Шоҳида БОБОЕВА
Ўза олган суратлар

ЧЕХИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида мамлакатимизга ташриф буюрган Чехия Республикаси Парламенти Сенатининг Таълим, фан, маданият, инсон ҳуқуқлари ва мурожаатлар қўмитаси раиси Яромир Ермар раҳбарлигидаги парламент делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар кўллаб соҳалар қатори парламентаризм йўналишида ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалала-

рини муҳокама қилдилар. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Шу кунги Чехия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида мамлакатимизга ташриф буюрган Ҳиндистон Республикаси алоқа ва ахборот технологиялари давлат вазири Сачин Пайлот раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Музокара чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар кўллаб соҳалар қатори алоқа ва ахборот технологиялари йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи доирасида имзоланган ҳуқуқматлараро ўзаро англашув меморандуми ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистонда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича қўшма саъй-ҳаракатлар режасига оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳиндистонлик меҳмонлар юртимизда ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларни жорий этиш ҳамда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

Ҳиндистон делегацияси аъзолари Тошкент ахборот технологиялари университети, пойтахтимиздаги Жавахарлал Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази фаолияти билан ҳам танишди.

(ЎЗА)

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСINI ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ 2011 йил 18 октябрь кунини соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн бешинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар кўрибтилмоқда:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2011 йил 15 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийтни либераллаштириш борасида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи ҳақида»ги қўшма қароридан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида.

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь кунини ўтказилган қўшма мажлисдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепцияси» мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар тўғрисидаги Қарорининг ижроси ҳақида.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 июлдаги «Республика иқтисодий ти тармоқларини 2011/2012 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1575-сонли қарорининг ижроси ҳақида.

— Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида.

— Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисида.

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари Э. Тошев ва Р. Қосимовларнинг депутатлик фаолиятлари юзасидан ҳисоботлари.

— «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисида.

— Бошқа масалалар.

Азал-азалдан халқимиз юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, фарзандларимиз камолга етиб, асло ғам кўрмайсин, дея ният қилади.

Бугун барчамиз бутун дунёда содир бўлаётган табиий офатларнинг инсонлар бошига қанчалик азоб-уқубат, ғам-ташвишларни солаётганини кўриб турибмиз. Сув тошқини, зилзила оқибатлари минглаб одамлар ёстиғини қуритиб, қанчадан қанча уй-жойларни вайрон қилган-

лиги юракларда хавотир уйғотди. Ҳеч кимнинг бундай кунлар тушмасин. Лекин фалокат оёқ остида эканлигини, етти ўлаб бир кесмасак оқибати ёмон бўлишини баъзан унутиб қўямизми, деб ўйлаб қолади киши.

Кеча матбуотда эълон қилинган «Ақл-идрок ва мантқиққа зид хатти-ҳаракатлар» сарлавҳали мақолани ўқиб шундай хаёлга бордим. Кўнглимда бир хавотир уйғонди. Унда келтирилган далиллар умид билан фарзанд ўстираётган, овоз ва обод Ватан қадрига етиб, унда бахтиёр ҳаёт кечириб келаётган ҳар бир инсон кўнглига хавотир солиши, шубҳасиз. Чунки тўғоннинг баландлиги 335 метр бўладиган Роғун ГЭСини зилзила бўлиб турадиган хавфли ерда қуришга бел боғланлар эртага бу қандай оқибатларга олиб келишини ҳам обдон ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Наҳотки, ушбу тўғонни қуришга жон-жаҳдлари билан кири-

шиб, бош-қош бўлаётганлар нега бунини тушунмаяптилар ёки тушунишни истамаяптилар. Уларнинг ўзлари қақирган ҳол текширувларнинг яқунлишига йўл қўймаётганликлари эса кишини ўйлантиради. Демак, ҳеч кимнинг фикри билан ҳисоблаштиши хоҳламаётганлар бошлаган ишларининг натижаси нима бўлиши, қандай хатарли оқибатларга олиб келишини биледилар, деган ўй ўтади кўнглидан.

Юртбошимиз доимо тинчлик-осудалиқни саклаш, унинг қадрига етиш, ҳар бир қилинаётган ишга адолат нуктаи назари билан қараш ва баҳо бериш,

инсонларнинг яқин дўсти бўлган она табиятни асраб-авайлашга қақириб келадилар. Жумладан, қурилиши мўлжалланган Роғун ГЭСи лойиҳаси хусусида ҳам қўйиниб, унинг мудҳиш оқибатларга олиб келиши, келажакимизни хавф-хатарга қўймасликка давват этадилар.

Ахир табиятнинг энг олий мўъжизаси бўлиши инсон бахт учун, тинчлик-осудалиқда умр кечириб ўзини яратган. Уни бида туриб, бундан мусову қилиш ғирт бемаънилик эмасми?

Келажак авлодларнинг бахтли, фаровон ҳаёт кечириларига ҳар биримиз масъулимиз. Буни асло унутмайлик.

Турсунхўжа ЭҒҒАШЕВ,
Олмазор тумани, «Гузрбоши» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби.

ЖАҲОНДА

• Янги Зеландия қирғоқлари яқинида юк кемаси ҳалокатга учради. Мутахассисларнинг фикрича, агар кема трюмларидаги мазут сувга тўкиладиган бўлса, бу экологик ҳалокатни келтириб чиқариши мумкин. Кема трюмларида бир ярим минг тоннадан зиёд мазут борлиги қайд этилмоқда. Экспертларнинг маълум қилишларича, ҳозирга қадар сувга 300 тоннадан ортиқ мазут тўкилган. Кема капитани кемани бошқаришда йўл қўйилган хатоликлар сабабли ҳибсга олинган.

• Аргентинанинг шарқий қисмидаги унча катта бўлмаган шаҳарчада кутилмаган ҳодиса юз берди. Ҳабарларга кўра, энгил самолёт бу ердаги уйлardan бирига келиб урилган. Самолёт келиб тушганда, уйнинг ичиде 3 киши бўлган. Лекин бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жабр кўрмади. Маълум бўлишича, самолёт яқин атрофдаги авиаҳудудга тегишли бўлган.

• Европа оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, Швециянинг «Сааб» автокомпаниясини инкироздан олиб чиқиш учун тайинланган бошқарувчи компанияда бошланган таркибий ўзгартиришлар жараёнини тўхтатиши мумкин. Оқибатда автокомпанияни кредиторлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилади. Шундан кейин эса компания банкрот ҳолатда деб эълон қилиниши мумкин.

• Россиянинг Приморье ўлкасидаги чўмилиш ҳавзасида акулалар сони ортиб бормоқда. Бу маҳаллий ҳукуматнинг жиддий хавотирига сабаб бўлапти. Мутахассисларнинг билдиришича, сув ҳавзасидаги қулай шароит акулаларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу йил ёз мавсумида уч киши ақула ҳужумига учраган. Шундан сўнг жониворларни қидириб топишга қаратилган операция бошланди. Маҳаллий ҳукумат келгуси мавсумга қадар сув ҳавзасини махсус ҳимоя тўрлари билан жиҳозлаш ниятида.

